

“О‘ЗБЕКЧИЛИК”КА АЙЛАНAYOTGAN

СУЮНЧИДАН ЧЎЗИНГ... СУЮНЧИДАН

Азалдан ўзбек миллатига хос бир аъна бор, оилада фарзанд туғилса, чақалоқнинг ака ёки опаси хурсандчилик билан қон-у қариндошга “суюнчи беринг, сингилли бўлдим”, “укам туғилди, суюнчидан чўзмайсизми” каби қувончли хабар билан бориб, оstonадан қуриқ қўл билан чиқмайди. Бугун бу “суюнчи”нинг эгалари кўпайиб кетган, қопаверса, мавқеи ҳам осмон қадар. Биз учун шунчаки одатий ҳолат, ҳомиладор аёлга шифо-хонада яхши қарашлари учун, ҳамширалар чақалоқнинг саломатлигига бефарқ бўлиб қопмасликлари учун уйдагилари бирдан шифокор-у ҳамширанинг “оғзини мойлашга” тушишади. Аслида, она ва боланинг саломатлигига жавобгар бўлиш шифокорларнинг вазифасига киради-ку.

Бугун бутун дунёнинг муаммосига айланган коррупция мавзусини нега айнан “суюнчи пули”дан бошлаганимнинг сабаби ҳам шунда: биз шу ёруғ дунёни кўрганимиз биланоқ кичик бошимиз “коррупцияга урилади”. Ва ишни қандай бошласанг, шундай давом этсан деганларидек, ўқишда, ишда, кўча-кўйда ўз манфаатларимиз эвазига ишимизни осон йўл билан битиришга ёки пора беришга ёки таниш-билишларни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Биз коррупция деганда, бели синмай олинган мўмайгина даромадни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ коррупциянинг маийший, экологик коррупция каби турлари ҳам борки, биз буларга шунчаки кўз юмаемиз ва аслида жиноятга қўл ураётганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Нега... чунки “қуруқ қошиқ оғиз йиртади” ибораси билан иш битиришга ўрганиб қолганмиз.

ИШИНГ БИТСА ХЎП-ХЎП, БЎЛМАСА...

“Аслида коррупцияни қимлар келтириб чиқаряпти?” деган ҳақли савол туғилади. Қорни тўйса ҳам, кўзи тўймайдиган баъзи амалдорларнинг оғзини мойлайдиган ҳам, ишимиз теска-рисига айланиб кетса, судгача шикоят қиладиган ҳам, бизга ўхшаб осонликни кўзлаган, уддабуронлик билан иш пиштадиган инсонларнинг ёнига бир кун келиб қовуриладиган ҳам ўзимиз эмасми?!

Қимлардир даромад манбаи деб қарайдиган бу иллат жамятимизга шунчалик ўрнашиб олиб, томир ёйган-ки, қон-қонимизга сингиб кетган. Нима бўлганда ҳам инсонмиз-да, вақтимиз чегараланган, юмушларимиз кун сайин ортганидан ортади. Соатлаб, баъзида кунлаб навбат кутиш, оёғимизни чарчатиб “ёпиқ” эшикларни “очиш” учун соат санаш, айтилган ишни кечикиб бажарган, бошлиқнинг “тандирдан энди узилган” гап-сўзларини эшитиш кимга ҳам ёқсади, дейсиз? Хоҳлаймизми-йўқми, барчамиз ишимизни битиришнинг осон усулини кўзлаймиз.

СОВГАМИ ЁКИ ПОРА...

1-октябр, 8-март каби байрамларда гўл ёки бирор совга кўтарган ўкувчи ёки ота-онани мактаб томон кетаётганига гувоҳ бўламиз. Ёки келишган ҳолатда пул йиғиб, устозини каттароқ совга билан хурсанд қилмоқчи бўлганлар ҳам топилади. Бойвачча ота-она томонидан “устозга тўхфа” сифатида юборилган қимматбаҳо буюмларни совга дея айта оламизми? Бундай хотамтойлик ортида бошқа манфаат бордир, бал-

KORRUPSIYA



ки... баҳолар табели “беминнат” берилган тўхфалар эвазига аъло баҳоларга тўлар, эҳтимол. Энг ачинарлиси, қармоққа илингулик байрам совғасини берган ўқувчига нисбатан муомаланинг қуюқлашиши ёки аксинча, шароит сабаб ўқитувчига битта гўл кўтариб келишга оғринган боланинг қатордан ажратиб кўйилишида қандай маъно бор? Байрамми, совга беришнинг шарт деган, ёзилмаган қонунлар борми ёки?! Энди айтингчи, сизнингча, совга билан поранинг ораси неча қадам? Бугун уларнинг ўртасида масофа қолмагандай, чамамда.

Совга – бу одамни ёқимли қилиш учун бепул берилadi, эвазига ҳеч нарса талаб қилмасдан, пора – бунга жавобан ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш учун берилadi. Пора совгадан фарқли ўларoқ ноқонунийдир. Агар сиз хизматни тақдим этишдан олдин “совга”нигизни олган бўлсангиз, бу пора ҳисобланади. Хўш, баъзиларнинг узoқни ўйлаб берилган байрамлардаги тўхфаси шунчаки совғамикан ёки пора деб атасақ, янглишмаган бўлаемизми... ?

Россия қонунларига кўра, совга пул ёки “нарсалар” кўринишидаги ҳада ҳисобланади ва унинг қиймати 500 рублдан ошмайди. Агар мансабдор шахсга берилган совганинг нархи 501 рубл ва ундан юқори бўлса, ёки берилган пул миқдори 501 рубл ёки ундан кўп бўлса, унда бу пора ҳисобланади. Бироқ мен ўзимиздаги коррупцияга доир қанча қоругу қонунларни варақлашайин, совга билан поранинг фарқлашишига дуч келмадим. Балким, шунинг учун бу-

гун манфаатлар ортига берилган “совгалар” шунчаки совга сифатида қолаётгандир, шунинг учун

ҳар қандай кўзбўямачиликни “ўзбекчилик”ка йўйиш одат тусини олгандир.!

Мактабда халқ нимадан нолайди: маош озлиги учун ўқитувчилар тез-тез пул йиғади, байрамга, муаллимлар кунига, синфни таъмирлашга, синф хонасига парда олишга, мактаб фонди, қириб-чиқиб электрон тизимига...

Бунга бюджетдан маблағ ажратилади-ку? Лекин фарзанднинг културм сув

ичгандай осонлик билан “аълочилар” сафига кириб қолишини хоҳлаган баъзи ота-оналар айнан, буларнинг барчасига пул йиғиб, синф хонасининг кам-кўстини тўлдирмоққа тиришади. Рўзгорнинг камини бут-дупмал ҳалак бўлаётган ота-оналару қонунлардан хабари бора инсонлар ҳам “фарзандимнинг дўстлари олдиди юзи қизармасин” каби ўйлар билан мактаб томон ён босишга ҳаракат қилишади. Ажратилган бюджетнинг ҳисоб-китобини қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайдими-ю яна манфаатлар ортидан иш сув куйгандай жиммиб кетади. Ҳолатга қанчалик барҳам беришга уринилмасин, бироқ унинг куртаклари ҳали ҳамон бориғи, айни ҳақиқат...

БАЪЗИ ДОМЛАЛАРДАГИ “ОЛУВЧИЛИК СИНДРОМИ”

Коррупциянинг илдизини кўпориб ташлаш ҳақида гап кетганда, бошидан сасиган балиқни думидан тозалашга ҳаракат қилишади. Аслида, доим ҳам манфаат учун “беруви қўл” топилади,

бироқ “олувчи”нинг инсофига қурт тушмаган бўлиши керак. 2018-йилда олий ва ўрта-махсус таълим тизимида 67 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилганлигини ҳисобга олсак, бугунги кунда бу ҳолатдан барча ҳам ўрнак олган, деб олмаيمиз. Олий таълимдаги гуллаб кетаётган коррупцияда кўпинча талабани айбдор санашади. Бироқ талаба домла-жонисиди “олувчилик қобилияти” борлигини сезгудай бўлса, ўхшамаган ишини ўхшатишга ҳаракат қилиши, табиий. Аксинча, илм одами бўлган, адолат тарозисини ушлаган домлага талаба юрак ютиб, дафтар орасига “муллажиринг”ни тиқиштиришдан ҳадиксирайди. Хоҳлаймизми-йўқми, кейин талабалар орасида ўқитувчиларни “олувчи” ва “адолатпарвар”га айирбошлаш бошланади. Ойлаб қозғондан ўқиб берилган маърузани эшитиб, ҳеч нимани тушунмай имтиҳонга кирган талабадан тушига кирмаган нарса сўралгач, боши тошга урилишини ҳис қилган ҳолда, масалани моддий томондан ечишга ҳаракат қилади-да.

Шундай институт домлалари борки, унга талабанинг билими, ўзлаштириши, ундан эртага қанақа кадр чиқиши бир тийин. Давр борида даврон суриб қолса бўлгани, битта “5” баҳо учун “кўк”идан олишгача боради. Фақат ўзининг қорнини, дангилмава иморату қимматбаҳо машинани эмас, ҳақиқий юртнинг эртасини, талабаларнинг билимини, давлатга етук кадр етказиб беришни ўйлаган ўқитувчилар сони саноқли эмас, салмоқли бўлганида, бугун талабалар диплом учун ўқимаган бўларди. Низомий номидига Тошкент давлат педагогика университети ректори Шавкат Шарипов “Талабаларнинг олий таълим муассасаларига шунчаки диплом учун ёки келажакда даромаддиқроқ соҳада фаолият юритиши учун эмас, ўзи шу касбни эгаллашни астойдил хоҳлаганини туфайли ўқишга киришлари соҳада коррупциянинг йўқолишида асосий омил бўлиб хизмат қилади” деган эди.

Бугун афсуски “дипломли бўлиб олсам бўлди” қабилида иш кўриб, таълим даргоҳини ҳам ўз қизиқиши билан эмас, энг паст баллигидан қидирадиган абитуриентлар ҳам жуда кўп. Қачон талаба коррупцияга қўл урмайди? Қачонки, ўзи қизикадиган касбни эгаллаш йўлида билим олса, университетга “пул беруви” эмас, “билим олувчи” талабалар керак эканини ҳис қилса.

ХУЛЛАС...

Коррупция бирдан йirik ҳаракатлардан эмас, балки оиладан, мактаб оstonасидан кичик кўринишларда пайдо бўла бошлайди. Уни илғаш, порахўрликнинг асл моҳиятини бола он-пига тушуштириш аввало, оила ва мактабдан бошланади. Оилада “таниш-билишчиликка рияз қилиш” ҳоидаси устувор бўлса, мактабда ўқитувчининг қизи синф сардори бўлиб, мактаб ҳамширасининг қизи ўқитувчи столининг олдидан жой олга, таълим даргоҳи билмаган ҳолда, болаларга таълим бераман, деб тарбиянинг пойдеворига дарз кетказиб қўйиши мумкин.

Биз коррупцияни йўқотишни аввало, ўзимиздан бошлашимиз керак. “Таниш-билишни ахтармоқ”дан толмас, дафтар орасига пул солиб узатмоқдан воз кеча олмас эканмиз, чўнтаги қалпайган, “тоғ”ни кемиришга тайёр айрим амалдору хизматчининг нафси ҳақалак отиб бораверади.

Маҳфуза ПЎЛАТОВА.